Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
32 йиллиги муборак бўлсин!

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

# O‘zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№49
2024-yil
4-dekabr, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan



## Деновлик ДИЛОРОМ опа дунёда ўзгаришлар қилаётган 100 аёл сафида

**2013 йилдан бошлаб ҳар йили BBC нашри дунё бўйлаб катта таъсирга эга ва илҳомлантирувчи 100 нафар аёлнинг рўйхатини шакллантиради. Лойиҳа бизнинг асримизда аёлларнинг ролини ўрганади.**

Эътиборлиси, 2024 йилги рўйхатдан илк бор ўзбек аёли ҳам ўрин олди. Гап ҳаёт синовларига таслим бўлмай, оилада, жамиятда ўз ўрнини топа билган сурхондарёлик тикувчи ва тадбиркор Дилором Йўлдошева ҳақида бормоқда.

Маълумотларга кўра, Денов туманида яшовчи Дилором Йўлдошева икки йил олдин айни ўрим-йиғим пайтида бахтсиз ҳодиса туфайли иккала оёғидан ҳам айрилган. Бундай кўргулик ҳар қандай инсонни тушкунлик ва заифлик билан рўбарў қилади. Бироқ Дилоромда бундай бўлмади. У ўзида яшаш ва аниқ мақсад йўлида курашиш учун матонат, ирода, қатъият топди. Жисмоний имконияти чекланганига қарамай, тикувчилик бизнесини йўлга қўйди. Бунда нафақат ишлаб, муқим даромадли бўлиш, балки, ишсиз хотин-қизларни касб-ҳунарга йўналтириб, турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашишни мақсад қилди.

«У тадбиркорлик ва ресурсларни бошқариш асосларини ўрганди. 40 дан ортиқ шогирд тайёрлади. Бир неча ойнинг ўзида бизнеси сезиларли даражада ўсди. Бепул машғулотлар ўтказа бошлади. Ишчилар ва мактаб ўқувчилари учун кийим-кечак ишлаб чиқариш бўйича шартномалар тузди. Ўшандан бери унинг бизнеси ўзи ва бошқа ўнлаб аёллар учун даромад манбаига айланди», — дея келтирилади ҳамюртимизга берилган таърифда.

Айтилишича, 2024 йилдаги номзодлар бардошлилик мавзусига мувофиқ танланган.

«Биз кечаётган йил бутун дунё аёллари учун қанчалик оғир бўлганини эътироф этмоқчи бўлдик. Шу боис, чидам билан ўз жамоаларида ёки бутун дунёда ўзгаришлар қилаётган аёлларга эътибор қаратдик», — дейди лойиҳа муаллифлари.

Шундай қилиб, деновлик Дилором матонат тимсоли ўлароқ Ер юзининг турли нуқталаридан сараланган юз нафар аёллардан бири сифатида халқаро миқёсдаги эътирофга сазовор бўлди.




# 5 йиллик учун Ҳаракат дастури тасдиқланди

ЯҚИНДА ЎТГАН ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА САЙЛОВДА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЯНГИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИБ, УНИ МАМЛАКАТИМИЗ ЖАМОАТЧИЛИГИГА ЕТКАЗДИ, КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛДИ. ХАЛҚИМИЗ УШБУ ДАСТУРНИ ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ.

САЙЛОВ ЯКУНИГА КЎРА, ПАРТИЯ ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИДА ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИ. КЕЙИНГИ ҚАДАМ, ШУБҲАСИЗ, САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИГА ЖАҲД БИЛАН КИРИШИШ, СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ ОЛИШ, БОШҚАЧА АЙТГАНДА, КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”НИ ҚАТЪИЙ АМАЛГА ОШИРИШДАН ИБОРАТ БЎЛАДИ.

2 САҲИФАДА

## ЯНГИ ТАРКИБ ЯНГИ БЮДЖЕТНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

### ЎзХДП фракцияси таклифи инобатга олинди

**Қисқа муддатли танаффусдан сўнг парламент яна гавжум. Қуйи палатада қонунлар муҳокамаси қизғин давом этмоқда. Янги таркиб, янги сайланган депутатлар. Аммо тартиб, иш суръати ўша-ўша. Қонун лойиҳаларини ўрганиш, муҳокама қилиш, фикр ва таклифлар билдириш...**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча ўтган мажлисида дастлаб Бюджетнома лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Аввалроқ Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини атрофлича кўриб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган эди.

Қонун лойиҳасига кўра, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳамда маҳаллий бюджетларга ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари тасдиқланган. Маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари прогнозлари, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ҳам қонун билан белгилаш таъминланади. Шунингдек, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларини ўзида акс эттиришга эришилади.

Бундан ташқари, ушбу қонун лойиҳасида бюджет соҳасига оид бир қатор ўзгаришлар назарда тутилмоқда. Жумладан, 2025 йилда маҳаллий бюджетлар баланслилигини таъминлаш мақсадида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ҳамда фойда солиғидан тушумларнинг Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри учун ўтказиб бериладиган қисмлари қайта кўриб чиқилди.

3 САҲИФАДА

**» БУГУНГИ СОНДА**

## МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ ҳам ўқийди, ҳам касб ўрганади...

ЯҚИНДА ПАРИЖ ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ ХОДИМИ ЭМОРИ ГЕТИН МУҲИМ БИР ТАДҚИҚОТГА ҚЎЛ УРДИ. УНГА КЎРА, СЎНГГИ 40 ЙИЛ ИЧИДА КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ЎСИШИНИНГ 70 ФОИЗИДАН ОРТИҒИ АЙНАН ТАЪЛИМ ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ. 150 ТА МАМЛАКАТ МИСОЛИДА ОЛИБ БОРИЛГАН УШБУ ТАДҚИҚОТ ТАЪЛИМ ДУНЁДАГИ ҚАШШОҚЛИК ВА ТЕНГСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ МАНБАИ ЭКАНИНИ ЯНА БИР БОРА ИСБОТЛАДИ.

7



## ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИМИЗ КАТТА КУЧГА АЙЛАНАДИ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ўз позициясини мустаҳкам сақлаб қолди, 1200 га яқин депутатлик ўринларини қўлга киритди.**

**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида ўз фракциясини, барча вилоят Кенгашлари ва Тошкент шаҳар Кенгашида, қарийб барча туман-шаҳар Кенгашларида партия гуруҳларини тузишга муваффақ бўлди.**

5

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



# 5 йиллик учун Ҳаракат дастури тасдиқланди

**Яқинда ўтган парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловда Халқ демократик партияси янги Сайловолди дастурини эълон қилиб, уни мамлакатимиз жамоатчилигига етказди, кенг тарғиб қилди. Халқимиз ушбу дастурни фаол қўллаб-қувватлади.**

**Сайлов якунига кўра, партия вакиллик ҳокимиятида ўз позициясини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Кейинги қадам, шубҳасиз, Сайловолди дастури ижросига жаҳд билан киришиш, стратегик вазифаларни белгилаб олиш, бошқача айтганда, келгуси беш йилликнинг “йўл харитаси”ни қатъий амалга оширишдан иборат бўлади.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва парламент Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши ана шу мақсадга қаратилди.

Таъкидланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг сайловдан кейинги биринчи мажлисларида давлатимиз раҳбари томонидан парламентнинг қонун ижодкорлиги ва назорат фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, сиёсий партиялар дастурларини амалга ошириш билан боғлиқ муҳим ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган долзарб вазифалар, сайловдан кейинги ишларни самарали ташкил этиш билан боғлиқ масалалар қўшма йиғилишнинг қизғин муҳокама мавзуси бўлди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятовнинг таъкидлашича, сайловда парламентда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида эришилган натижалар, қўлга киритилган 1200 дан ортиқ депутатлик ўринлари партия Сайловолди дастурини рўёбга чиқариш имконини беради. Фақат бунинг учун барча тузилмаларда ишни аниқ режа, изчил саъй-ҳаракатлар асосида ташкил этиш зарур.

– Янги парламент шакллантирилди, маҳаллий Кенгашларда партия гуруҳлари тузилди. Сайлов якунига кўра, ХДП республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида ўз партия гуруҳларига эга бўлгани муҳим натижамиздир, – деди Улуғбек Иноятов. – Энди ундан самарали фойдаланиб, Сайловолди дастуримизни амалга оширишга киришамиз.

Мамлакатимизни демократлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижадорлигига эришиш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш ўз-ўзидан бўлмаяпти. Бу жараённинг замирида халқ манфаатига хизмат қиладиган қонунлар турибди. Бугунги кунда парламентнинг ваколат доираси кенгайгани, сиёсий партиялар фракцияларига катта ҳуқуқлар берилгани қонун ижодкорлигида, қонунларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

– Сиёсий партиянинг таъсир кучи ўз дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун курашишига, одамларни, айниқса, ташаббускор, билимли, замонавий фикрлайдиган кишиларни бирлаштириб, ўз ортидан эргаштира олишига боғлиқ, – дея давом этди партия раиси. – ХДП ижтимоий ҳимоя, ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларини юзага чиқариш орқали Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат экани билан боғлиқ умуммиллий манфаатларидан келиб чиқиб, кенг кўламли ислоҳотлар халқчиллигини таъминлашга улуш қўшишда барча имкониятларни сафарбар этади. Сайлов натижаларини халқимизнинг хоҳиш-иродаси, деб биламиз. Халқимизнинг ишончига масъулият билан қараймиз ва бу йўлда камарбаста бўлишда давом этамиз.

Йиғилишда депутатлар фаоллигини кучайтириш, талабчанлигини ошириш, ташаббускор бўлиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас. Бинобарин, парламент палаталарининг биринчи мажлисларида давлат раҳбари тўғридан-тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмига эга бўлган қонунлар улушини кўпайтириш, талабга мос фаолият олиб бормаётган парламентнинг назорат функциясини таъсирчан институтга айлантириш, айниқса, депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятини жонлантириш заруратига урғу берган эди.

– Парламент назоратида ташаббускор бўлишимиз зарур. Фақат ижтимоий соҳа билан чекланиб қолмай, экология, озиқ-овқат хавфсизлиги, саноат, ишлаб чиқариш, инвестиция, экспорт, миграция каби ҳаётий масалаларда фракциямиз масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр, – деди партия раиси.

Мажлисда партия Сайловолди дастури ижросини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган Ҳаракат дастури қабул қилинди.

Партиянинг ўзига хос “йўл харитаси” бўлган ушбу ҳужжатда 10 та йўналиш ва 122 банддан иборат аниқ муддатли вазифалар белгиланган. Ҳаракат дастурида 2 та янги кодекс, 10 та янги қонун ташаббуси билан чиқиш, 10 та кодекс ва 50 га яқин қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, 20 та норматив ҳужжатлар ижроси устидан парламент ва депутатлик назорати олиб бориш каби мақсадлар қамраб олинган.

Шундай қилиб, Ҳаракатлар дастурининг биринчи йўналиши қонунчилик ва парламент назорати, партиянинг сайловчилар билан ишлаш фаолиятини танқидий кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи йўналиш қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган.

Учинчи йўналишда депутатларнинг сайлов округидаги ва партиянинг аҳоли ўртасидаги тарғибот ишларини тубдан ўзгартириш, тўртинчи йўналишда эса партия депутатларининг парламент ва депутатлик назоратидаги иштирокини кучайтириш вазифалари ўрин олган.

Бешинчи йўналиш барча даражадаги депутатларнинг сайлов округларида ишларини жонлантириш, бунда қонунлар ижроси борасида ахборот алмашиш механизмини жорий қилишни назарда тутади.

Йиғилишда қайд этилдики, бугунги кунда партия электоратини ўйлантираётган муаммолар оз эмас ва уларнинг қонуний ечимларини топиш ҳамда ижросини таъминлашда партиянинг салоҳияти ҳам, имконияти ҳам етади.

Мажлисда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар гуруҳи аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этди.

Мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасидаги масъулият, уларнинг ваколатлари ва мажбурияти хусусида ўзаро фикр алмашилди.

– Парламент қачон кучли бўлади, қачонки жойларда депутатлар фаол бўлса, - деди Олий Мажлис Сенати аъзоси Малика Қодирхонова. - Аввалари маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳокимлар ҳисоботларини эшитиш билан чекланган бўлса, бугунги кунда ижро органларининг 33 та ваколати маҳаллий Кенгашларга берилгани ва 17 та қўшимча ваколат устида иш олиб борилаётгани, Кенгаш сўрови ва Кенгаш текшируви каби янги механизмларнинг жорий этилиши демократик ислоҳотларнинг янги босқичга чиққанидан далолат беради.

Маълумки, маҳаллий Кенгаш депутатлари сайланган округи ҳудудидаги реал шароитни, одамларнинг қувонч ва ташвишларини яхши билади. Маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг ҳар тўрт нафаридан бири бизнинг партиямиз вакили экани қувонарлидир. Бу ХДП ғояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш имкониятини янада кенгайтиради.

Йиғилишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг 60-70 фоизи янги сайлангани, уларнинг иш тажрибасини қадамба-қадам ошириб бориш, қолаверса, партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, камбағалликни қисқартириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари билан билан ишлаш мавзуларида амалий семинарлар ташкил қилиш таклифи билдирилди.

Шунингдек, жойларда қонунлар ва давлат дастурлари ижроси устидан тизимли депутатлик назоратини ўрнатишда халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг роли ва масъулиятини кучайтириш бўйича тавсиялар берилди.

Йиғилишда партия фаолиятига доир ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**

*САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ, ДЕБ БИЛАМИЗ. ХАЛҚИМИЗНИНГ ИШОНЧИГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ҚАРАЙМИЗ ВА БУ ЙЎЛДА КАМАРБАСТА БЎЛИШДА ДАВОМ ЭТАМИЗ.*

# Фуқаролик жамияти ҳафталиги

*Сўнгги йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган муҳим ўзгаришлар рўй берди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда фуқаролик жамияти институтларига конституциявий мақом берилди.*

*Ушбу йўналишдаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш ва демократик тараққиёт йўлини давом эттириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг 2-6-декабрь кунлари мамлакатимизда Фуқаролик жамияти ҳафталиги ўтказилмоқда.*

*Мазкур ҳафталикнинг дастлабки икки кунида билдирилган айрим фикрларни келтириб ўтамиз.*

**Акбар ТАШКУЛОВ,**
**Адлия вазири:**

– Республикамизда фаолият юритаётган ННТлар барча ислоҳотларда фаол иштирок этмоқда. Улар фуқароларнинг муаммоларини давлат олдига бемалол қўя оляпти, ечимлар бўйича таклифларини илгари суряпти.

Яқинда парламентга сайланган кўп депутатларимиз ННТ вакилларидир. Буларнинг барчаси фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатимиздаги нуфузи ошиб бораётганидан дарак беради.

**Содиқ САФОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари:**

– Фуқаролик жамиятининг роли қонун ижодкорлигида, қонунлар ишлашини назорат қилишда ҳам кўриниши керак. Охирги 8 йилда мамлакатимизда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий доктринасини ўзгартиришда фуқаролик жамиятининг ҳам ўрни катта.

Марказий Осиёдаги ҳеч бир давлат олдимизда турган муаммоларни бир ўзи ҳал қила олмайди. Ҳеч қайси давлат ўз потенциалини бошқаларнинг кўмагисиз юзага чиқара олмайди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев миллий манфаатларни минтақавий манфаатлар билан уйғунлаштиришга эътибор қаратмоқда. Бу борада муроса қилиш ва мулоқотга тайёрлик ёндашувига амал қилинмоқда.

**Миршоҳид АСЛОНОВ,**
**Прогрессив ислоҳотлар маркази директори:**

– Ўтган йил камбағалликни 11%га қисқартиришга эришилди. Аммо ҳали қилинадиган ишлар кўп ва бунда тадбиркорлар армияси давлатга кўмаклашиши керак. Ҳозирда ижтимоий тадбиркорлик борасида Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар тажрибасини ўрганяпмиз. Ҳал қилинадиган ишлар кўп.

Биринчиси, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий корхоналар учун имтиёзлар яратиб бериш.

Иккинчиси, ижтимоий йўналтирилган тадбиркорлик субъектларини доимий қўллаб-қувватлаш учун уюшма ташкил этиш.

«Ёрдам бериш осон», «Имконият» ва шу каби ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлайдиган ташкилотлар кўп, лекин ҳаммаси ҳақида билмаймиз. Соҳадаги бўшлиқларни аниқлаб, муаммоларни ҳал этсак, ижобий ўзгаришларга эришамиз.

**Элдор ТУЛЯКОВ,**
**«Тараққиёт стратегияси» маркази директори:**

– Фуқаролик жамияти институтлари мамлакат ичкарисидаги фаолиятдан ташқари, халқ дипломатияси орқали давлатлар, жамиятлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришга, ижобий имижни яхшилаш, маданий алоқаларни боғлашда ўзига хос кўприк вазифасини бажариб келмоқда.

Маданий кўргазмалар, таълимда талабалар алмашинуви Марказий Осиё мамлакатлари дўстлик алоқаларини тиклашга ёрдам бермоқда. Ижтимоий тармоқлар, онлайн платформадан фойдаланиш орқали кенг жамоатчилик қатламларига етиб бормоқда. Фуқаролик жамияти институтлари давлат ташаббусларини тўлдириб, халқ дипломатияси таъсирини кенгайтирмоқда. Форум ташкил этилиши ҳам халқ дипломатиясининг амалдаги намоёни, деб айтишимиз мумкин.

**Бобур БЕКМУРОДОВ,**
**«Юксалиш» ҳаракати раиси,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси:**

— Бизнес масъулиятли бўлмаса, жамият қанчалик катта зарар кўришини дори воситалари-ю кесилган дарахтлар, инфраструктура ҳамда экологияга етказилган зарар мисолида кўрдик. Фақат фойда олишни мақсад қилиб, жамият олдидаги масъулиятини унутган бизнес жамият учун нақадар хавфли бўлишини англадик.

Айни вақтда, давлатнинг қўли ва ресурслари етиб бормаган ижтимоий муаммолар ҳам мавжуд. Уларни тадбиркорлар томонидан ҳал этибгина қолмай, бундан фойда олиш орқали ўзини-ўзи молиялаштириш каби ечимни ижтимоий тадбиркорлик беради. Яъни, бугун ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва камбағалликни қисқартиришда ижтимоий тадбиркорлик бутун дунёда трендга айланаётган механизм ҳисобланади. Тадбиркорларимиз нафақат рақобатбардош бўлиши, балки инсон ҳуқуқлари, экология ва ижтимоий барқарорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Бизда ижтимоий бизнес бор, фақат уни кенгроқ тарғиб қилишимиз керак.

ҚУЙИ ПАЛАТА МУҲОКАМАСИ







# ЯНГИ ТАРКИБ ЯНГИ БЮДЖЕТНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

## ЎзХДП фракцияси таклифи инобатга олинди

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда)**

Лойиҳада ижтимоий соҳага кенг ўрин берилган. Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш мақсадида бир қатор масалалар белгиланмоқда. Масалан, ногиронлиги бўлган болаларга, меҳнатга лаёқатсиз ва зарур иш стажига эга бўлмаган фуқароларга ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оналарга нафақалар тўлаш учун ҳам катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда.

Шунингдек, бюджет маблағларини режалаштириш, улардан фойдаланиш натижадорлигини ошириш ҳамда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга оид депутатлар томонидан билдирилган таклифлар бўйича соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги, маданият ва бошқа соҳалар бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг масъуллари иштирокида муҳокамалар ўтказилгани ҳамда ҳар бир депутатнинг берган саволлари ёки кўтарган масалаларига ойдинлик киритилгани таъкидланди.

Фракция мажлисида Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Улуғбек Шерматов бандликка кўмаклашиш марказларига ўқитиш ва ўргатиш учун нега нисбатан кам маблағ ажратилгани ҳақидаги савол билан мурожаат қилган эди.

Депутатнинг саволига Молия вазирлиги вакили Шоҳрух Эшонқулов ҳисоб-китобларни муҳокама жараёнида рақамлар шакллантирилишини, маблағ нисбатан кам бўлиши ўтган йиллардаги тегишли дастурларнинг тугаши ва янги қарорда амал қиладиган дастурларнинг бошланиши билан боғлиқлигини тушунтирди.

Бу жавобга Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси Шарофиддин Назаров қўшимча қилиб, маблағлар йил охирига қадар кутилаётган жорий харажатлар миқдоридан келиб чиқиб режалаштирилгани, агар зарурат туғилса, бюджетдан қўшимча маблағ ажратилиши мумкинлигини қайд этганди.

Фракция мажлисидан сўнг биргаликда ишланди. Ҳамда кеча ўтган палата мажлисида ЎзХДП фракцияси таклифи инобатга олингани, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Миллий малака тизимини ривожлантириш институтини ташкил этиш харажатлари учун қўшимча 10,6 млрд сўм маблағ ажратиш масаласи лойиҳага киритилгани қайд этилди.

Палата мажлисида таъкидланганидек, келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг кўриб чиқилиши ўтган йиллардагидан фарқ қилди. Президентимизнинг Олий Мажлис палаталаридаги маърузаларида стратегик йўналишлар, аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Бу эса бевосита бюджет лойиҳаси муҳокамаларини мазмунли ўтказишга, кўтарилган масалаларнинг моҳиятига чуқурроқ киришга имкон яратди.

Хусусан, қўмиталар томонидан ўтказилган йиғилишлар, сиёсий партияларнинг фракцияларидаги муҳокамаларда депутатлар томонидан 100 дан ортиқ саволлар берилиб, 10 дан ортиқ концептуал аҳамиятга эга таклиф ва тавсиялар билдирилди. Натижада Бюджетнома қайта-қайта кўрилиб, аввалги йиллардан фарқли шаклда бўлиши таъминланди.

Мажлисда бу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Яъни, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари ва харажатлари, маҳаллий бюджетлар ва Давлат мақсадли жамғармаларига оид лойиҳада кўзда тутилган тадбирлар, уларни молиялаштириш манбаларига оид маълумотлар чуқур таҳлил қилингани таъкидланди.

Шу билан бирга, биринчи ўқишда билдирилган фикр ва таклифлар асосида иккинчи ўқишгача чуқур таҳлиллар олиб борилди. Масъул қўмита томонидан лойиҳанинг тегишли моддаларида акс эттирилган меъёрлар Президент фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари билан уйғунлиги ва асослантирилгани ўрганилди. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда 2025 йилда белгиланган тадбирларни молиялаштириш масалаларига ҳам аниқлик киритилди.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатасининг хулосалари ҳам депутатлар эътиборида бўлди. Хулоса юзасидан депутатлар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда, асослантирилган таклифларни Солиқ ва Бюджет кодексларида акс эттириш масаласи ўрганиб чиқилди. Қайд этилдики, қўмиталар, сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида қонун лойиҳасида вазирлик ва идораларга ажратилиши кўзда тутилган бюджет маблағлари, улардан фойдаланиш ҳамда натижадорликни ошириш юзасидан билдирилган таклифлар, тавсиялар бирма-бир кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Ижтимоий соҳа ҳамда иқтисодиёт тармоқлари бўйича депутатлар томонидан кўтарилган масалаларга Ҳукумат томонидан тузилган ишчи гуруҳ ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари томонидан ойдинлик киритилди. Субсидиялар ва унинг натижадорлиги, бюджет очиқлигини таъминлаш ҳам эътибордан четда қолмади. Парламент вакиллари бюджет маблағлари устидан молиявий назорат тизимларини такомиллаштириш ҳамда тиббий суғуртани жорий қилиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар билдирди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида бюджет тақчиллиги чекланган миқдорининг ошиб кетишига йўл қўймаслик, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан қўшимча харажатларни амалга оширишда қонун талабларига қатъий риоя қилиш, давлат ташқи қарзининг ва давлатнинг шартли мажбуриятлари бўйича лойиҳада белгиланган чегарадан ошиб кетмаслик учун ҳукуматнинг ўз зиммасига олаётган мажбуриятлари депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

### СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИДА БУРИЛИШ

Депутатлар мажлисда “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Унда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шароитлар яратиш мақсадида бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар таклиф этилмоқда. Хусусан, келгуси йилда асосий солиқ турлари, жумладан, фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ижтимоий солиқ, айланмадан олинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ турлари бўйича ставкалар ўзгаришсиз қолдирилмоқда. Муҳокамалар давомида бизнес учун солиқ ставкалари ўзгаришсиз сақлаб қолинаётгани мамлакатимизда инвестициявий муҳитга ижобий таъсир кўрсатиши, тадбиркорларнинг янада ривожланишига хизмат қилиши алоҳида эътироф этилди.

Мажлисда депутатлар маҳаллий Кенгашлар ваколатларини кенгайтириш бўйича ўз муносабатини билдирди. Хусусан,

> ***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 94-МОДДАСИДАН.***
>
> ***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатлари қуйидагилардан иборат:***
>
> ***1) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;***
>
> ***2) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;***
>
> ***3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш;***
>
> ***4) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш;***
>
> ***5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш;***
>
> ***6) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича ҳар йилги маърузасини эшитиш;***
>
> ***7) давлат органларининг мансабдор шахсларига парламент сўровини юбориш ва парламент назоратининг бошқа шаклларини амалга ошириш;***
>
> ***8) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;***
>
> ***9) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;***
>
> ***10) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;***
>
> ***11) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш;***
>
> ***12) ушбу Конституция ва қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.***
>
> ***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қарор қабул қилиши мумкин.***

якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини маҳаллий Кенгашлар томонидан белгилаш, сув солиғи ставкасига ҳамда норуда қурилиш материаллари учун қатъий белгиланган ставкаларга коэффициент қўллаш ва нашриёт-матбаа корхоналарини фойда солиғидан озод қилишга оид меъёрлар маъқулланди.

Муҳокамалардан сўнг лойиҳа иккинчи ўқишда қўллаб-қувватланди.

### СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАР КУЧАЯДИ

Шу куни судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид лойиҳа палата мажлисида кўриб чиқилди. Лойиҳа билан судьялар томонидан Конституция нормаларини бевосита қўллаш ва одил судловни амалга оширишда конституциявий устуворликни тасдиқлаш учун зарур ҳуқуқий кафолатлар яратилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, суд ҳокимияти мустақиллиги ҳамда кафолатлари мустаҳкамланади. Эътиборлиси, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатлари ҳам кучайиши кутилмоқда.

“Судларнинг фаолиятига оид конституциявий кафолатлар кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам бу галги мажлис кун тартибидан ўрин олди.

Биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилган лойиҳага кўра, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунга Судьялар олий кенгаши таркиби, шу жумладан, Кенгаш раиси, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан сайланиши, шунингдек, айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Судьялар олий кенгашининг раиси, раис ўринбосари этиб сайланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилмоқда.

Бош қомусимизда судларнинг фаолияти ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишга оид бир қатор конституциявий кафолатлар белгиланди. Бу ўз навбатида амалдаги қонунларнинг тегишли нормаларини янгиланган Конституцияга мувофиқлаштиришни талаб этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, қонунлар янги меъёрлар билан тўлдирилмоқда. “Судлар тўғрисида”ги қонунга одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилишини назарда тутувчи меъёр киритилмоқда. Шу билан бирга, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари нафақат барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар, балки фуқаролик жамияти институтлари учун ҳам мажбурий ҳисобланмоқда.

Табиийки, бу жараёнда аҳоли манфаатлари ҳам инобатга олинади. Шу маънода шахсларнинг нафақат давлат органлари, балки бошқа ташкилотларнинг ҳам қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланмоқда. “Айбсизлик презумпцияси” ва “Хабеас корпус” институтини янада қарор топтиришга оид қоидалар киритилаётгани судлардаги адолатлиликни таъминлашга ҳисса қўшади.

Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

# ТЎҚСОНБОЙДАН БЕШ ТУҲФА

**Оммабоп телеканаллардан бирида ҳар ҳафта намойиш этилаётган “Эслаб, эслаб...” кўрсатувини кўпчилик мароқ билан томоша қилади. Томоша қиладигина эмас, мириқиб дам олади. Элга машҳур санъаткорлар ҳаёт ва ижод йўллари, устозлар, саҳна санъатининг кўзга ташланмас жиҳатлари, кутилмаган ҳолатлар, ҳозиржавоблик ва топқирлик, қувлик-шумликлар хусусида сўзлаб берадилар. Мароқли, кулгили ҳикоялар бир-бирини тўлдиради. Шу аснода бу ёруғ оламни тарк этган кўплаб устозлар ёдга олинади.**

Ўйлаб кўрсак, бундай ҳолатлар фақат саҳнада эмас, ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам юз беради. Ёзувчи Хайриддин Султонов Навоий кўчасида жойлашган машҳур 30-уй мисолида буни яққол тасвирлаб берган. Бу тарихий бинонинг асосий ишхоналари турли йўналишлардаги нашриётлар эди. Ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йиллари бу бинода Ғафур Ғулом номидаги, “Ўзбекистон”, “Ўқитувчи”, “Ёш гвардия” нашриётлари фаолият юритар, бино йўлакларида машҳур ёзувчилар, янги китоби, таржимаси ёки дарслиги чиққан муаллифларни, қўлёзмаси қайтарилган ҳаваскорларни учратиш, уларнинг ҳангома-ю суҳбатларига қўшилиш мумкин эди. Тушлик пайти кўпчилик шу йиллари арзон ва мазали лағмони билан шаҳарда донг таратган Маҳмуд мўйловнинг чойнонасига йўл олар, у ерда лағмон баҳона адабий, норасмий суҳбатлар, китобларнинг жиддий муҳокамалари бўлиб ўтарди. Худди шу ерда устоз Саид Аҳмад, адабиётшунос Тўхтасин Жалолов, таржимон Мирзиёд Мирзоидов, Эркин Миробидов, кулдириб ҳамманинг ичагини чўзиб қўядиган Эркин Сиддиқов тушлик қилишарди.

Одатда тушликка ҳар бир нашриёт ходимлари алоҳида-алоҳида тушишар, ёнма-ён ўтиришар, аммо ҳангома авжига чиққанида столлар сурилиб, бир-бирига уланиб кетарди.

У йиллари мен шу бинода жойлашган ёшлар нашриётида ишлардим. Зиммасига ўта масъулиятли вазифа юкланган “Ўқитувчи” нашриёти биз билан деярли ёнма-ён жойлашган бўлиб, иш давомида бир-биримизни таниб, салом-алик қилардик. Телевидениенинг “Оламда нима гап?” кўрсатувида тез-тез чиқиб туришим боис қўшнилар мени яхши танишар, кўришиб қолсак, дарҳол дунёда кечаётган жараёнлардан гап очиларди. Шу сабаб “Ўқитувчи” нашриётида ишлайдиган Иброҳим Аҳмаджонов, Абдувоҳид Раҳимов, Ўсарали Нишонов, Жаҳонгир Пирмуҳамедов, Зокир Мирзаев, Маҳмуд Сатторов, Нурмуҳаммад Холлиев, Дониёр Бегимқулов, Суннат Аҳмедов, Бозорбой Холлиевлар билан дўстона муносабатда бўлганман.

Ўсарали ва Жаҳонгир ака ноширликда ўз йўналишларининг устаси бўлиш билан бирга, ҳазил-мутойибага мойил, ижод қаламлари анча қайралаб қолганлардан эди. Ҳар галги суҳбатимиз нашриёт остоналаридаги ҳангомалардан бошланиб, дунёда кечаётган жиддий жараёнларгача етиб борарди.

Йиллар кўп нарсаларни ортда қолдириб кетди. Ноширлик фаолияти бутунлай ўзгарди. Авваллари ижодкор дегани булбулнинг патидек китобини чиқариш учун йиллаб югурарди. Эндиликда бу иш хамирдан қил суғуриш билан баробарлашди. Майли-да, яхшилари ўқилади, бемазалари китоб жавонларини безайди. Бугунги ноширлар техника имкониятларидан унумли фойдаланади, аввалгидек, сўз орасига тасодифан тушиб қолган бирорта ҳарфнинг устига оқ бўёқ сўриб, уни кўздан нари қилмайди. Улар асосан тадбиркорликка мойил ёшлар, маблағи бўлса, китобингиз бир ҳафтага қолмай чиқиб кетади. Кекса ноширлар эса ўша ўтган йилларни эслаб, бир-бирларини йўқлаб, садоқатли қадрдонлар мақомида шукроналик билан умргузаронлик қилмоқдалар.

Яқинда Жаҳонгир ака таҳририятга мени йўқлаб кириб келдилар. Қўлларида бир зарб билан тошёнғоқни ҳам пачоқлай оладиган салмоқли китоб: “Изли сўқмоқлар”. Масъул муҳаррир Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али.

Суҳбатимиз қизиди, кўпларни эсладик, ҳангомаларнинг янгиларига қўл урдик. Кейин мен мутолаага киришдим. Бўлимдан бўлимга ўтаман: “Толиб Йўлдош ҳангомалари”, “Элбек Мусаев ҳангомалари”, касбдошлар, маҳалладошлар, дўст-қадрдонлар ҳақидаги ҳангомалар. Муҳими, улар ҳаётда қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича, ортиқча бўёқсиз берилган. Табаррук 90 ёшда ҳам ижод қаламини ташламаганларига ҳавасим келди. Қуйида шу китобдан айрим парчаларни муҳтарам газетхонлар ҳукмига ҳавола этаман.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

### ТОШКЕНТЛИК МАРДИКОР

Толиб Йўлдош бир куни устоз Саид Аҳмаднинг Дўрмондаги чорбоғига келиб, даврадошлар билан суҳбатлашиб ўтирар экан, мавриди келганида устозга ўгирилиб, “Андижонда ҳам дала-боғингиз бор экан, айтмайсиз ҳам, ҳар сафар водийга борганингизда Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Носир Фозиловларни обкетавермай, бирор марта мени ҳам сафарга шерик қилинг, боғингизни кўриб келай”, дебди.

– Сени ҳам олиб борсам яхши бўларди-ю бир нозик жойи бор-да,- дебди устоз мийиғида кулиб.

– Қанақа нозик жойи? - ҳайрон бўлиб сўрабди Толиб ака.

– Андижонликлар сени кўриб, “Ўзимизда мардикор тўлиб ётибди-ю поччамиз Тошкентдан олиб келибдилар-да”, дейишади, - деб жавоб берибди устоз.




### ИШОРА

Толиб Йўлдош яшайдиган уйининг учинчи қаватида камтар-камсуқум бир йигит яшар экан. Маҳалладошлари ҳар ҳафта чойхонада ош ейишларига ҳаваси келар экан-у аммо хотинининг зуғумидан қўрқиб, уларга қўшила олмай хуноб бўларкан.

Бир куни шу йигит хотини билан яна ади-бади айтишиб, ўзини босиш учун балконга чиқиб турса, пастда маҳалладошлар навбатдаги ошга тўпланиб туришган экан. Улардан бири ош еяётгандек, қўлини оғзига қўйиб, “Тез пастга туш, ош тайёр”, дегандай ишора қилибди. Бечора йигит уёқ-буёққа аланглаб, сўнг бир қўлини баланд кўтариб, панжалари билан ҳужумга шай кобра илоннинг бошини шундай тасвирлабдики, улфатлар жимгина чойхонага жўнаб қолишибди.

### ЛАҒМОННИНГ ҚУРУҒИ

Бир куни Жаҳонгир ака “Ўқитувчи” нашриётига кираверишда дўсти Элбек Мусаевни учратиб қолади.

– Ёв қувгандай жадаллаб бораяпсиз, йўл бўлсин,-- деб сўрайди ундан дўсти.

– Маҳмуд мўйловнинг чойхонасида лағмон пишди. Айни пайти. Хамири дир-киллайди. Эртароқ борганларга Фотима хола сергўшт қилиб сузади. Юринг, сизга лағмон олиб бераман,- дейди Жаҳонгир ака.

– Жон деб борардим-у аммо бир йиғинга шошиб тургандим-да. Сиз яхшиси лағмоннинг қуруғини бера қолинг,- дейди Элбек ака.

– Шу тобда сизга қуруқ хамирни қайдан топаман,- деб жавоб қилади Жаҳонгир ака.

### ЗУККО МУШУК

Бир куни таниқли ношир Абдувоҳид Раҳимов Ўсарали Нишоновга уйидаги ноёб мушугина хўб келиштириб мақтайди:

- Шунақа ақлли, зийрак, бунинг устига таъби нозикки, ҳайрон қоласиз. Уйда бир ўзи қолганида, қорни очса, бошқа хашаки мушукларга ўхшаб миёвлайвермай, музлатгични очиб, бемалол овқатланади, буниси ҳам майли, дастурхонни йиғиштириб қўйганига қойилман-да...

– Ҳа, ҳайвонлар ичида шунақа ақллилари ҳам учраб туради. – дейди Ўсарали ака хотиржам. - Бизникида ҳам бир мушук бўларди. Бунақасини ҳеч жойда кўрмаганман. Эр-хотин чой ичиб ўтирсак, олдимизга келиб, худди гапимизга қулоқ солаётгандай жим ўтирарди. Бир куни ишдан кеч қайтиб, уйга кирсам, ҳаммаёқ жим-жит, худди ҳеч ким йўқдай. Хотин кўринмади. Ҳайрон бўлиб, ошхона эшигини очсам, э, мулла Абдувоҳид, мен сизга айтсам, мушук кеннойингиз билан гаплашиб ўтирибди. Ё тавба, бир нималарни гапиради, кеннойингиз қиқир-қиқир кулади-я...

### “ЎҚ ТУГАБ ҚОЛАРДИ...”

Нашриётларда вақт тушликка яқинлашганида хоналарда гурунг авжига чиқарди. Ана шундай гурунглардан бирида Ўсарали ака уруш қатнашчиси, қувноқ Маҳмуд ака Ғуловга кутилмаганда:

- Ака, урушга борганман, қон кечиб жанг қилганман, дейсиз, аммо бирор жойингизда жароҳат изи йўқ, оёқ-қўлларингиз бус-бутун, жангларда қатнашганингиз ростми ўзи? -деб қолади қувлик билан. Маҳмуд ака унга шундай жавоб қилади:

-- Рост, аммо... биз билан жанг қилганида фашистларнинг ўқи кўпинча тугаб қоларди...

# Ижтимоий барқарорликда ёшлар омили



**Мамлакатда ёшлар кўплиги муаммо эмас, имкониятдир. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, биз яшаётган XXI асрда ёшлар таълим-тарбияси ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда.**

**Ўзбекистонда жами аҳолининг 60 фоизини 30 ёшгача бўлган 19 миллиондан ортиқ ёшлар ташкил қилади. Бу демографик ҳолатга мамлакатимиз ривожи учун катта имконият, деб қараш ҳар томонлама тўғри бўлади.**

Ўтган 6 йил давомида ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича 100 дан ортиқ қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар баланси” каби лойиҳалар ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистонда ёшлар сиёсати борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар дунё миқёсида тан олинмоқда. БМТ томонидан “Ёшлар стратегияси – 2030”ни намунавий тарзда амалга ошириш бўйича танлаб олинган 10 та мамлакатдан бири айнан Ўзбекистон бўлган.

Лекин глобаллашув шароитида ёшлар орасида мафкуравий-маънавий масалалар долзарб бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда интернет оммалашуви ва ундан фойдаланувчилар сонининг ўсиб бориши кузатилмоқда.

Ахборот технологиялари тобора ривожланиши жамиятдаги ютуқ ҳисобланса-да, ҳозирги ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатадиган ғоявий таҳдидларнинг юзага келишига ҳам замин яратмоқда.

Интернет фойдаланувчилари сонининг ошиб бориши, ижтимоий тармоқлардаги турли хил саҳифалар, каналлар ва гуруҳлар таъсир майдонининг кенгайиши натижасида блогерлик ва вайнерлик фаолияти оммалашмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларнинг оммалашувида ижобий жиҳатлар билан бир қаторда деструктив таъсирларнинг юқорилиги, ёшлар орасида қонунларга итоатсизлик ақидаларининг шаклланиши кузатилмоқда. Шунингдек, хорижга кетиш истагининг ошиши, ташқи таъсирлар остида субмаданиятнинг турли кўринишлари кириб келиши кўзга ташланмоқда.

Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётган контентларга қарши тегишли органлар томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.


Бироқ, турли салбий контентларни ўз вақтида аниқлаш, уларга қарши тура олишда бевосита фаолияти ёшлар билан боғлиқ бўлган Ёшлар иттифоқи, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика маънавият ва маърифат марказларининг самарали механизмлари етарлича таъсир кўрсатмаётгани кузатилмоқда.

Айрим ҳолларда республикада ёшлар орасида маънавий бузуқликни тарғиб қилаётган ҳамда жамиятдаги муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган контентларга қарши курашувчи механизм йўлга қўйилмаган, деган тасаввурларни пайдо қилмоқда.

Бу борада болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши ва ўсиб келаётган авлоднинг онгига зарар етказиши мумкин бўлган медиамаҳсулотлар тарқатилишининг олдини олишга қаратилган теле ва радиоканаллар ҳамда ижтимоий тармоқлар учун тайёрланаётган медиамаҳсулотлар, хусусан, сериал, мультфильм, кино ва қўшиқларни “маънавият экспертизаси”дан ўтказиш тартиби Маънавият ва маърифат маркази, АОКА, Маданият вазирлиги, Кинематография агентлиги, МТРК, Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмасининг қарори билан жорий этилган. “Маънавият экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланган. Унга мувофиқ, маънавият экспертиза гуруҳининг асосий вазифалари белгиланди. Мазкур лойиҳа фаол жамоатчилик вакиллари томонидан турлича қарашлар билан талқин қиланаётган бўлса-да, медиа маҳсулотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилишига умид билдирамиз.

Ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришда ёшлар ахборот ва медиа саводхонлигини ошириш ҳамда фаолияти ёшлар билан боғлиқ ташкилотларнинг фаоллигини янада оширишни ҳаёт талаб этмоқда.

**Жамшид ТЎХТАЕВ,**
**Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Бухоро вилоят ҳудудий бўлинмаси мутахассиси.**




# САМАРАДОРЛИГИ 99 ФОИЗГАЧА БЎЛГАН ОИВГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАСИ

**АҚШда Ленакапавир номли ОИВга қарши дори воситасининг клиник тадқиқотларининг учинчи босқичи якунланди, у 96-99 фоизлик фавқулодда самарадорликни кўрсатди.**

**Йилига атиги икки марта қабул қилиниши керак бўлган бу дори ОИТСга қарши курашда бурилиш омили бўлиши мумкин.**

**Американинг Gilead Sciences компанияси томонидан ишлаб чиқилган истиқболли дори ЕИда ОИВ билан касалланган беморларни даволаш учун рухсат этилган. Бироқ, дори ҳали сотувда йўқ.**

**Ҳозирча Ленакапавир қиммат туради — бир киши учун йилига $40 мингдан ортиқ. ОИВ профилактикаси учун ҳар куни ёки 1-2 ойда бир марта қабул қилиниши керак бўлган бошқа дорилар эса йилига тахминан 600-700 евро туради.**








# ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИМИЗ КАТТА КУЧГА АЙЛАНАДИ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ўз позициясини мустаҳкам сақлаб қолди, 1200 га яқин депутатлик ўринларини қўлга киритди.**

**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида ўз фракциясини, барча вилоят Кенгашлари ва Тошкент шаҳар Кенгашида, қарийб барча туман-шаҳар Кенгашларида партия гуруҳларини тузишга муваффақ бўлди.**

Энди бу имкониятдан партия Сайловолди дастурини ижро этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида самарали фойдаланиш зарур.

Шунинг учун ЎзХДП Марказий Кенгаши раисининг депутатлик бирлашмалари билан ишлаш бўйича ўринбосари Мақсуда Ворисова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қорақалпоғистон Республикасидан бошлаб, барча ҳудудларда янги сайланган депутатлар, янги тузилган партия гуруҳлари учун махсус амалий семинарлар ўтказишни бошлади.

Бунда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз, партия гуруҳлари ишини самарали ташкил этиш мақсад қилинган.

Шундай ўқув-семинарлар ҳозирча Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ўтказилди.

Таъкидланганидек, кейинги етти-саккиз йил ичида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қатор ўзгаришлар юз берди. Жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий вакиллик органларининг ролини ошириш мақсадида 33 та функция ва ваколат халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилди.

Мамлакатимиз тарихида илк марта вилоят Кенгашларига ҳокимлар раислик қилиши амалда бекор қилинди. Бу демократик тараққиёт сари ташланган яна бир катта қадам бўлиб, халқимиз билан маслаҳатлашиб, 2023 йилда референдум асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямизнинг яна бир муҳим нормаси амалиётга жорий этилганидан далолатдир.

Семинарларда депутатларнинг фаолияти билан боғлиқ қонунчилик хусусида атрофлича сўз юритилиб, амалий тушунтиришлар берилмоқда.

Мурожаатлар билан қандай ишлаш кераклиги, депутатлик сўровларини қандай тайёрлаш, партия гуруҳида масалаларни қай тартибда ўрганиб, доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига олиб чиқиш йўл-йўриқлари ҳақида фикр алмашилмоқда.

Шунингдек, партиянинг яқинда қабул қилинган Ҳаракатлар дастуридаги 120 дан ортиқ вазифа, уларнинг вақтида амалга оширилиши Сайловолди дастури ижросида ҳаётий аҳамият касб этиши таъкидланди.

Депутатнинг асосий вазифаси, аввало, жамиятдаги долзарб масалалар ечимига қаратилиши инобатга олиниб, партия гуруҳларининг ҳуқуқлари, депутатнинг ваколатлари, сайловчилар билан мулоқот олиб бориш, депутат сўровини манзилли юбориш тартиби ҳақида атрофлича тушунчалар берилиб, бу бўйича партия Марказий Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланмалар депутатларга тарқатилди.

Амалий мулоқот жараёнида жойлардаги партия гуруҳи раҳбарлари ва депутатларнинг режалари билан танишилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, янги таклиф-ташаббуслари тингланмоқда. Барча депутатлар сайловчиларга хизмат қилиш олий саодат эканини таъкидлашмоқда.

Бу каби семинар-тренинглар юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.


**Хуршидабону НАЗАРОВА,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**

> ***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 120-МОДДАСИДАН.***
> *ВИЛОЯТЛАР, ТУМАНЛАР ВА ШАҲАРЛАРДА (ТУМАНГА БЎЙСУНАДИГАН ШАҲАРЛАРДАН ТАШҚАРИ) ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДИР.*
> *ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИГА УНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ОРАСИДАН ҚОНУНГА МУВОФИҚ САЙЛАНАДИГАН РАИС БОШЧИЛИК ҚИЛАДИ.*
> *ВИЛОЯТ, ТУМАН, ШАҲАР ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИНИ ЭГАЛЛАБ ТУРГАН ШАХС БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ЛАВОЗИМИНИ ЭГАЛЛАШИ МУМКИН ЭМАС.*
> *ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ МУДДАТИ — БЕШ ЙИЛ. АЙНИ БИР ШАХС СУРУНКАСИГА ИККИ МУДДАТДАН ОРТИҚ АЙНИ БИР ВИЛОЯТ, ТУМАН, ШАҲАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАНИШИ МУМКИН ЭМАС.*
> *ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ҚОНУН БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ.*
> *ЯНГИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БИРЛИКЛАРДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИГА НАВБАТДАГИ УМУМИЙ САЙЛОВЛАРГА ҚАДАР ҚОЛГАН ДАВРДАН ОШМАЙДИГАН МУДДАТГА ЎТКАЗИЛАДИ.*










***ЎТГАН ЙИЛИ ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ” ДЕГАН ТАМОЙИЛ МУҲРЛАНДИ. ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА БИРДАМЛИК ПРИНЦИПЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ, ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУТЛАҚО ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ.***

# ИНСОН ҚАДРИ УЧУН!

Асосий қонунимизнинг 7-моддасига кўра, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Шундан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистон — инсон шаъни ва қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланган давлат бўлиши, халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши, одамлар ташвиши билан яшаш, фуқароларимизнинг қонуний талаб-истаклари ва хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш давлат органлари фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонига айланиши, барча муҳим қарорлар аҳоли иштирокида, фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашув асосида қабул қилиниши каби принцип ва ғояларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аҳамиятлиси, Конституциямизда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3,5 баробарга оширилди ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидаларини ўзида мужассам этди. Жумладан, шахсни суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Яъни, шахс эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши шарт. Ушбу қоида тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга, асоссиз қамоққа олиш ва сақлашга йўл қўйилмасликка қаратилгандир. Бу орқали халқаро эътироф этилган “Хабеас корпус” институтини қўллаш кўлами янада кенгайди. Илк бор шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиш асослари тушунтирилиши шартлиги, айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик (халқаро эътироф этилган “Миранда қоидаси”), сукут сақлаш ҳуқуқи берилди.

Худди шундай, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари ҳам уч баробар кўпайтирилди. Бунинг замирида яна ўша олижаноб мақсад турибди, яъни, юртимизда ҳеч бир инсон эътибордан, ғамхўрликдан четда қолмаслиги, муносиб шароитларда яшаш ҳуқуқи таъминланмоғи жоиз. Шундан келиб чиққан ҳолда Конституцияда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарнинг ўрни қонунда назарда ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда (бозор қийматида) қопланиши таъминланиши кафолатланди.

Ижтимоий ислоҳотлар қамрови, суръати ошиб бораётган айни кезда инклюзив жамиятни барпо этиш йўлида эришилаётган салмоқли натижалар ҳам бевосита конституциявий тамойилларнинг ҳаётда ўз тасдиғини топаётганидан далолат беради. Айниқса, ногиронлиги бор болаларга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун барча шароитларни яратиш чора-тадбирлари бугун амалиётга изчил йўналтирилаётгани қувонарли, албатта.

Конституцияга мувофиқ давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбурияти ҳам кучайтирилди. Бу қоидалар мамлакатимиздаги 685 минг нафардан ортиқ ўқитувчиларнинг жамиятдаги мақомини, обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш қонуний тақиқландики, булар давлатимизда гендер тенглиги принциплари тўлақонли амал қилишига олиб келиши тайин. Бундан ташқари, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши ҳам мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда узоқ йиллар юртимизнинг халқаро имиджига салбий таъсир қилиб келган мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилгани, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги давлат ва жамиятнинг ижтимоий адолат сари интилаётганига ёрқин далил, дейиш мумкин. Зеро, ҳозирги кунда юртимизда 2 млн 200 минг эҳтиёжманд оила давлатдан кафолатли моддий ёрдам олмоқда.

Юқорида келтирган қатор мисолларимиз янги таҳрирдаги Конституциямиз “Халқ Конституцияси” деб таъриф этилиши бежиз эмаслигини яна бир карра исботлайди. Асосий Қомусимизни қабул қилишда жойларга чиқиб, халқнинг фикри ўрганганилгани унинг ҳаётийлигини таъминлаган бўлса, мазмун-моҳиятан инсон манфаатлари устунлиги яққол ифода этилгани яна бир устувор жиҳатдир. Пировардида эса бугун барча жабҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар руҳи ва мазмунига “Инсон қадри учун!” деган эзгу ғоя чуқур сингиб бормоқда.

**Наргиза АХТАМОВА,**
**Тошкент давлат юридик университети талабаси.**

# ЁШ ДЕПУТАТ: НОГИРОНЛИГИ БОР ШАХСЛАРГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛИШИ ШУ ТОИФА ИНСОНЛАРГА РУҲИЙ МАДАД БЕРАДИ

Мотивация!

Оллоберди Олимов 1997 йилда Фарғона вилоятининг Қува туманида таваллуд топган. 27 ёшли юртдошимиз бугун халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.

Ёш бўлишига қарамай, сиёсий билим ва дунёқараши кенглиги, мамлакатимиздаги сиёсий-ҳуқуқий жараёнларга қизиқиши уни дастлаб Халқ демократик партиясининг туман кенгашига етаклади. Партиядаги фаоллиги, ташаббускорлиги сабаб у депутат ёрдамчиси вазифасини бажара бошлади. Кейинчалик партия туман Кенгашига мутахассис лавозимига ишга қабул қилинди.

Оллоберди Олимов ўнг томонлама гемипарез, яъни, оёқ-қўл нуқсони билан туғилган бўлиб, иккинчи гуруҳ ногирони ҳисобланади. Аммо бу туғма дард уни ўз интилишларидан, қизиқиш ва ҳаракатлардан тўхтата олмади. Ўз устида тинимсиз изланиши, мактаб партасиданоқ билим олишга бўлган қизиқиши, юксак мақсадлар сари қадам ташлаши уни янада кучли ва иродали қилди. Оллоберди тенгдошлари орасида намунали ёш сифатида ўзини намоён қилди.



Мамлакатимизда ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, аввало, ногиронликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2017 йилда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони янада аҳамиятли бўлди. Мазкур фармонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи инклюзив таълим ва ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш масалалари қамраб олиниб, бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ушбу фармон ижроси натижаси Оллоберди Олимов ҳаётида ҳам ўз аксини топди. Гап шундаки, Оллоберди ушбу фармонга кўра, Тошкент давлат транспорт университети юриспруденция йўналишига имтиёзли тарзда ўқишга қабул қилинди. Айни пайтда у университетнинг сиртқи бўлимида 1-курс талабаси.

2024 йил 27 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови муҳим янгилик ва ўзгаришларга бой бўлгани билан аҳамиятли кечди. Яъни, илк бор сайлов жараёнларида комиссия аъзоларини танлаш ҳамда номзодлар кўрсатишда инклюзивликка эътибор қаратилиб, ногиронлиги бор шахслар сайлов комиссиялари аъзолиги ва номзодлар рўйхатига киритилди. Сайлов натижаларига кўра, Қонунчилик палатасига 1 нафар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига 138 нафар ногиронлиги бор шахслар депутат этиб сайланди.

Улар орасида Оллоберди Олимов ҳам борлиги унга янада куч-ғайрат ва мотивация берди.

— Ногиронлиги бор инсонларга нисбатан шунақа қараш борки, гўёки уларга фақат ёрдам бериш керак, нимадир бериш, ҳадя қилиш керак, деб ўйлашади. Аммо бу тоифа инсонлар орасида ҳам шундай кучли, иқтидорли, истеъдодли ва лидер инсонлар борки, улардан раҳбарлар, ҳокимлар чиқиши мумкин. Уларга ишонч билдирилиши шу тоифа юртдошларимизга руҳий мадад ва мотивация беради.

Ёшлигимдан сиёсатга, қонунчиликка қизиққаним боис партияга аъзо бўлдим ва шу орқали сиёсий жараёнларда қатнашиб юрдим. Бу йилги сайловларда ногиронлиги бор шахсларнинг депутат бўлиб сайланиши катта натижа бўлди. Чунки маҳаллий Кенгашларда ва парламентда ногиронлиги бор фуқаролар ҳуқуқларига оид масала ёки бошқа масалалар кўрилганида шу тоифадаги инсонлар шарт-шароитидан келиб чиқиб таклифлар беришда ногиронлиги бор депутатлар иштироки муҳим. Тўғри, бу борада кенг кўламли саъй-ҳаракатлар қилиняпти, қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилаяпти. Аммо айнан ўзидан дардни ўтказган, шу ҳолда яшаб кўрган инсонлар томонидан қонунчиликка ёхуд ҳудудлар ривожига оид таклифлар берилиши янада самаралироқ бўлади, деб ўйлайман.

Масалан, ўзим сайланган округдаги масалаларни ҳал этишда, умуман, туман миқёсидаги йўл, жамоат транспорти, сув, таълим, тиббиёт каби йўналишлар ривожида, албатта, ногиронлиги бор фуқаролар манфаатларини ўйлаган ҳолда йўл тутаман. Бу борада келгусидаги депутатлик фаолиятим давомида олисдаги мактабларда қўшимча шароитлар яратиш, китоблар жамланмаларини етказиш, ногиронлиги бор ёшларни ўқитиш ва касб-ҳунар ўрганишига шароитлар яратиш каби масалаларга эътибор қаратмоқчиман. Қолаверса, округим ҳудудида электр, газ ва йўллар билан боғлиқ масалалар бор. Буларни ҳал этиш чораларини кўришга ҳаракат қиламан. Энг олий мақсадим туман депутати сифатида тажриба орттириб, тумандошларим ишончини оқлаб, кейинчалик Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиш, — дейди Оллоберди.

Дарҳақиқат, инсонга берилган дард унинг Яратувчига суюклигидан, дейишади. Инсон ўзига ишонса, ўз устида ишласа, ҳар қандай ҳолатда ҳам аниқ натижага, маррага эришади, албатта. Оллоберди Олимов ўз устида ишлашдан тинмайдиган, олам-олам орзу-мақсадлари сари дадил бораётган фаол ёшларимиздан. Унинг шиддати-ю шижоати, ўзига ишончи, орзуларга лиммо-лим қалби, энг аввало, эл-у юрт дарди, туғилиб ўсган Ватани равнақи йўлида жумбушга келади.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**ЎзА**

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ – АСОСИЙ МАҚСАД





“Трасса-2” комплекс йўл лабораторияси ва унинг тизимлари





Гео-радар

**Фахриддин САЛАЕВ,**
**Автомобиль йўлларининг техник ҳолати таҳлили ва ҳаракати хавфсизлиги маркази давлат муассасаси директори:**

**— Мамлакатимизда йўл инфратузилмасини халқаро стандартларга мос равишда яхшилаш, автомобиллар ва йўловчилар учун хавфсиз, қулай ҳаракатланиш имкониятини яратиш ишлари тизимли олиб борилмоқда.**

Маълумки, автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш тезкор диагностика маълумотлари билан ишлашни тақозо қилади. Чунки йўлларнинг транспорт ва эксплуатация ҳолати, улардан фойдаланиш шароитлари, ҳақиқий истеъмол хусусияти, параметрлари ҳамда ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги даражаси тўғрисида тўлиқ, ишончли маълумотлар доимий заруратдир. Автомобиль йўлларининг ҳолатини диагностика қилиш ва баҳолаш натижалари бошқарув муаммоларини ҳал қилиш, йўлларнинг техник даражасини, шунингдек, молиявий ва моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосида йўл тармоғининг ҳолатини бошқариш учун ахборот базаси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз Транспорт вазирлиги ҳузурида Автомобиль йўллари қўмитасининг Автомобиль йўллари техник ҳолати таҳлили ва ҳаракати хавфсизлиги маркази айнан диагностика масалалари билан шуғулланади. Марказ энг илғор технология ва ускуналар билан жиҳозланган.





Дйнатест юлка профили, шу жумладан, кўп функцияли автомобиль вариантлари

Марказнинг малакали мутахассислари Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида автомобиль йўлларини ўрганиш ишларига жалб қилинган. Шу асосда муҳандислик, инвентаризация қилиш, ҳисобга олиш ва сертификатлаштириш, автотранспорт ва эксплуатация ҳолатини диагностикалаш ҳамда баҳолаш бўйича автоматлаштирилган йўл маълумотлари банклари шакллантирилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, марказ иккита замонавий комплекс йўл лабораториялари билан жиҳозланган бўлиб, уларда дебрияжни ўлчаш, георадардан тортиб, йўл қопламаларининг мустаҳкамлигини ўрганиш ва мобиль фазовий маълумотларни йиғиш тизимигача мавжуд.

Жорий йилда Автомобиль йўлларининг техник ҳолати таҳлили ва ҳаракати хавфсизлиги маркази томонидан тажриба тариқасида Сирдарё вилоятида жами 1 минг 450 км автомобиль йўлида диагностика ишлари олиб борилди. Бу эса ҳудуддаги йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун фавқулодда юзага келган муаммоларни аниқлаш ва ўз вақтида кечиктирмай ҳал этиш имконини берди.

Умуман олганда, автомобиль йўллари диагностикасини йўлсозлик соҳасида инновацион технологияларни жорий этишнинг энг ҳал қилувчи нуқтаси дейиш мумкин. Автомобиль йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилишнинг ўсиш суръатлари, тежамкор йўлларни кенгайтириш стратегияси ана шу диагностика жараёнлари билан узвий боғлиқдир.

Автомобиль йўллари тармоғининг транспорт ва эксплуатацион ҳолатини бошқаришда соҳага оид автоматлаштирилган йўл маълумотлари банки – “AYMB” қўлланилади. Банк тузилмаси “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш бўйича ишлар таснифи” тармоқ ҳужжати ва IQN 05-2011 “Автомобиль йўлларининг ҳолатини диагностика қилиш ва баҳолаш қоидалари” талаблари асосида шакллантирилган.

“AYMB” автомобиль йўллари тармоғини таъмирлаш ва сақлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни мақсадли ва самарали режалаштириш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда йўл ва кўприкларнинг транспорт ва эксплуатация ҳолатини мониторинг қилиш тизимларини кенгайтиришни назарда тутади.

Автомобиль йўллари ва улардаги иншоотларни диагностика қилиш, инвентаризациялаш ва сертификатлаш бўйича тўлиқ маълумотлар, таҳлилий хулосаларга таянилган муҳандислик ечимлари йўлсозликни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан саналади. Ўз навбатида тармоқ диагностика тизими, ўлчов воситалари ва амалий дастурлар учун илмий асосларни такомиллаштириб бориш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.







Йўл қопламаларининг мустаҳкамлигини ўлчаш тизими



"Фристион тестер" дебрияжни ўлчаш тизими





**ЯҚИНДА ПАРИЖ ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ ХОДИМИ ЭМОРИ ГЕТИН МУҲИМ БИР ТАДҚИҚОТГА ҚЎЛ УРДИ. УНГА КЎРА, СЎНГГИ 40 ЙИЛ ИЧИДА КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ЎСИШИНИНГ 70 ФОИЗИДАН ОРТИҒИ АЙНАН ТАЪЛИМ ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ. 150 ТА МАМЛАКАТ МИСОЛИДА ОЛИБ БОРИЛГАН УШБУ ТАДҚИҚОТ ТАЪЛИМ ДУНЁДАГИ ҚАШШОҚЛИК ВА ТЕНГСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ МАНБАИ ЭКАНИНИ ЯНА БИР БОРА ИСБОТЛАДИ.**

# МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ

## ҳам ўқийди, ҳам касб ўрганади...

Албатта, таълим инсоннинг асосий ҳуқуқларини амалга оширишнинг қалити ва барқарор ривожланиш воситасидир. Инсон ҳаётда ўз ўрнини топиши, касб-ҳунар эгаллаши, онгу шуури ўзгариши, буларнинг ҳаммасига дастлабки қадам таълимдан бошланади. Чунки таълим нафақат билим, балки муваффақиятли касбий фаолият учун зарур кўникма ҳам беради. Шу маънода ўқувчини эрта ва сифатли касбга йўналтириш унинг келажагини белгиловчи асосий омил бўлиши муқаррар. Айнан таълим аҳоли жон бошига даромадлар ўсишида катта аҳамият касб этади, бандлик имкониятларини яхшилайди ва мамлакат иқтисодиёти ривожини замон талабларига мос равишда жадаллаштирилади.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида бир гуруҳ фаол педагоглар билан учрашувда давлатимиз раҳбари болаларнинг ёзма ишларини чуқур таҳлил қилиб, уларнинг орзу ва интилишларини аниқлаб, мустақил ҳаётга тўғри йўналтириш асосий вазифа бўлиши кераклигини таъкидлади.

“Сиз, ҳурматли устозлар мактаб ўқувчиларидан “Мен қандай касб эгаси бўлмоқчиман?” деган мавзуда иншолар, ёзма ишлар оласизлар. Лекин ўқувчилар ёзган ана шу ишлар таҳлили билан кимдир шуғулланяптими? Республика ва вилоят кесимида фарзандларимиз қайси касбларни энг кўп танлашмоқда? Энг муҳими, болаларимиз танлаётган касбларга келажакда меҳнат бозорида талаб бўладими ўзи?” – деди Президент ушбу муҳим масалага эътибор қаратиб.

Экспертлар фикрича, эрта касбий йўналтириш жараёни болада шахсий фазилатларини ривожлантириш учун асос яратади. Бола ёшлигиданоқ қанчалик кўп маълумотни ўзлаштирса ва қанчалик хилма-хил ва бой бўлса, келажакда унинг ҳаётини белгилайдиган ҳал қилувчи танловини амалга ошириш осонроқ кечади. Зотан, инсон бажараётган ишларига ижодий муносабатда бўлиб, танлаган касбига зўр қизиқиш билан қараса, қобилиятлари меҳнатда тобланиб борса, ўшандагина у ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам наф келтиради. Демак, ҳар бир шахснинг ҳаётдаги муваффақияти танланадиган касбга узвий боғлиқ.

### ТАШАББУСЛАР ВА ЛОЙИҲАЛАР

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида умумтаълим мактаблари касб ўрганиш истагидаги битирувчиларининг давлат томонидан камида бир касбни эгаллашига кўмаклашувчи тизимни жорий этиш вазифаси белгиланган. Хўш, бу вазифа ижроси доирасида қандай ташаббуслар ва лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда?

**Ғабит Кулназаров, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Ўқувчиларни касбга йўналтириш бўлими етакчи мутахассиси:**

– Меҳнат бозорини замонавий кадрлар билан таъминлаш ҳар бир давлат учун муҳим масала. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини такомиллаштиришни тақозо қилади. Мамлакатимизда бу масалага жиддий эътибор берилаётгани барчамизга маълум.

Хусусан, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб тажриба-синов тариқасида Самарқанд вилоятидаги 96 та ва республика бўйича ҳар бир туман (шаҳар)да биттадан, жами 289 та мактабда 22 499 нафар 10-11-синф ўқувчилари учун 2 та йўналишда касб-ҳунарга ўқитиш амалиёти жорий этилди. Мазкур мактабларда 10-11-синф давомида ҳафтасига 3 соатдан жами 204 соат 2 та йўналишда 65 та турдаги, шундан,48 та ишчи касбларга оид, 17 та ахборот технологияларига оид билим ва амалий кўникмалар берилади. Айтгандай, ушбу мактабларда Касбий таълим устаси лавозими киритилди.

Замонавий ахборот технологиялари ва ишчи касбларга қўшимча «Иқтисодиёт ва бизнес» фани жорий этилиб, ўқувчилар касб-ҳунар билан биргаликда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилади.

Ўқувчиларнинг касбий қизиқиши, мойиллиги ва лаёқатини аниқлаш мақсадида kasb.maktab.uz платформаси орқали 7-11 синф ўқувчилари ўртасида психологик-педагогик диагностика ҳам ўтказилади.

Шунингдек, касб танлаш жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал-типологик хусусиятлари ҳам ҳисобга олиниши лозим. Чунки шахснинг хулқ-атвори,темпераменти, қобилияти ва бошқа хислатлари касб танлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг касб-ҳунар ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш ва қизиқишини аниқлаш мақсадида мактабгача ва мактаб таълими тизимида 18 та умумтаълим фани бўйича Миллий ўқув дастури доирасида яратилаётган замонавий дарсликларга 508 та касбга оид мавзулар киритилди.

> ***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 50-МОДДАСИДАН.***
>
> *ҲАР КИМ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА. ДАВЛАТ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ, УНИНГ ҲАР ХИЛ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ, ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ. ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТАДИ. ДАВЛАТ БЕПУЛ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ВА БОШЛАНҒИЧ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ОЛИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАЖБУРИЙДИР. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ, УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ДАВЛАТ НАЗОРАТИДАДИР. ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН БОЛАЛАР УЧУН ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ТАЪМИНЛАНАДИ.*

Ўғил-қизларнинг келажакда муносиб касб эгаси бўлишига кўмаклашиш мақсадида kasb.maktab.uz ва profnavigator.uz электрон платформаларида тестлар мажмуаси берилган. Улар орқали ўқувчилар ўзининг қайси касбга қобилиятли эканини аниқлаши мумкин.

### ПЕДАГОГ НИМА ДЕЙДИ?

Яқин-яқингача таълимнинг асосий бўғини бўлган мактабларда тегишли шароитлар йўқлиги ва мутахассислар камлиги боис ўқувчи-ёшларни касбларга қизиқтириш муҳити шаклланмай келингани бор гап.

– Ҳозир эса тизим бутунлай янгича асосда ташкил этилмоқда. Ўқувчилар билан ишлаш, уларнинг қизиқишини ўрганиш, тил ва касб ўргатиш бўйича катта ва муҳим қадамлар ташланди, – дейди Қибрай туманидаги 26-мактаб директори Муқаддас Тўрахонова. – Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида мактабларда касбга йўналтириш тизими жорий этилди. Тизим доирасида 7-синф ўқувчилари учун ҳар ойда бир марта «Касблар оламига саёҳат» мавзусида махсус курслар олиб борилмоқда, 8-синф ўқувчилари учун ҳар чоракда камида бир маротаба «Менинг келажакдаги касбим» мавзусида семинар-тренинглар ўтказиляпти. 9-синф ўқувчиларининг касбий мойиллиги психологик-педагогик диагностик методика натижалари асосида ўрганилиб, тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Замонавий касб эгаларининг меҳнат фаолияти билан яқиндан таништириш учун турли учрашув ва сайёр машғулотлар ташкил этилмоқда. Бу эса болаларнинг соҳалар ҳақидаги тасаввурини бойитяпти.

Касб-ҳунарга йўналтиришда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари билан бирга улар танлаётган соҳага лаёқати қай даражада мувофиқлигини аниқлаш, бу борада фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, ота-оналар ва маҳалла фаолларининг шахсий намунаси ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарур. Тажрибадан келиб чиқиб, айтишимиз керакки, касб боланинг хусусиятлари, қобилиятига мос бўлиши мақсадга мувофиқ. Масалан, адабиётдан яхши ўқиса, ундан физик чиқмаслиги мумкин, спортда кўрсаткичлари юқори бўлса, иншони яхши ёза олмас. Хуллас, боланинг кучли тарафларига эътибор бериш лозим. Албатта, уни ҳам, буни ҳам эплайдиганлар учрайди, аммо доим эмас.

Яна бир гап. Ўқувчини у ёки бу касбга мақсадли йўналтиришдан аввал унинг шахсини ўрганиш лозим, деб ўйлайман. Бунинг учун нима қилиш керак? Албатта, уни кузатиш, мактабдаги, жамоат жойларидаги, оила ва меҳнатдаги амалий ҳаракатини таҳлил қилиш, сўровнома ўтказиш, суҳбат, тест, интервью олиш мумкин.

### ДЕПУТАТ ФИКРИ

– Инсон ҳаётининг ўртача учдан бир қисми касбий фаолият билан боғлиқ, шу сабабли ҳам касбни тўғри танлаш ҳаёт-мамот масалаларидан бири, десам муболаға бўлмайди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Муқаддас Ўрозалиева. – Янги таҳрирдаги Конституциямизга кўра, Ўзбекистон - ижтимоий давлат. Бу энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартиришни назарда тутади. Бунга эришишда таълим соҳаси ривожи ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ёшлар билимли ва касб-ҳунарли бўлса, мамлакат келажагининг пойдевори мустаҳкам бўлади. Президент ташаббуси билан мактаб ўқувчиларини камида иккита хорижий тил ва битта касб-ҳунарга ўргатиш устувор вазифа этиб белгиланган замирида ҳам рақобатбардош кадрларни тарбиялаш мақсади турибди.



Ҳозир ушбу тажрибани кенг жорий этиш учун катта ишлар олиб бориляпти. Мактабларнинг шароити, педагоглар малакаси, ўқувчиларнинг касб-ҳунар ва хорижий тилларга қизиқиши тизимли ўрганилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, бунда туман ва маҳаллаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқувчилар мактабнинг ўзида ишчи касбларга ўргатилиши белгиланди. Жойларда назорат-таҳлил ишлари давомида кўп гувоҳ бўламиз, тадбиркорлар томонидан очилган корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларида бўш иш жойи кўп, ойликлари ҳам ёмон эмас. Аммо зарур билим ва кўникмага эга ишчилар йўқ. Ҳудудлардаги мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб, ўқувчиларни шунга қараб касбга ўқитиб борсак, бу жойларда юзлаб, минглаб янги иш ўринлари очилишига, ишлаб чиқариш ривожланишига туртки беради. Қаранг, ҳаммаси бир-бирига ҳалқасимон боғланган. Демак, ишни аввало, таълимдан, ёшларга касб-ҳунар ўргатишдан бошлашимиз керак. Ҳозир меҳнат бозори ўзи учун малакали кадрларни талаб қилмоқда. Замон талаби шундай, фақат малакали, ўз касбини яхши ўзлаштирганларгина яхши иш топиб, яхши яшайди.

Айтиш керакки, бу масала бевосита партиямиз Сайловолди дастури билан ҳамоҳангдир. Партиямиз Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди қайси худудда яшаши, оиласининг ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, ўз орзуларига эриша оладиган, ўз келажагига ишонадиган, ҳар бир фуқаронинг муваффақияти фақат унинг билими, иқтидори, меҳнатсеварлигига боғлиқ бўлган мамлакатга айланиши тарафдоридир. Билим олиш иштиёқидаги ҳар бир ёшни ўз тақдирини яхшилашга интиладиган шахс ва миллатнинг келажакдаги муваффақиятлари кафолати бўлган фуқаро сифатида кўрамиз.

Биз жойларда сайловчилар билан учрашганимизда бу борада қилинаётган ишлар билан ҳам қизиқамиз. Ўрганамиз, таҳлил қиламиз. Мактабларда касб-ҳунар устахоналари ташкил этиш, уларни жиҳозлаш ва зарур ашёлар билан таъминлаш, “креатив индустрия” бўйича замонавий касбларга ўргатиш бўйича ўз тавсияларимизни берамиз.

### ПСИХОЛОГ: ФАРЗАНД КАСБНИ ЎЗИ ТАНЛАГАНИ МАЪҚУЛ

– Касб танлаш - бу инсон ҳаётидаги энг муҳим қарорлардан бири, – дейди психолог Дилдора Раҳимова. – Албатта, боланинг қизиқишларини инобатга олиш шарт. Касб танлашда қизиқишларга катта аҳамият бериш, таълим олишда малакага эга бўлишни асосий ўринга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Ана шу қизиқишларни рағбатлантириш, истеъдодини ривожлантириб бориш орқали яхши натижаларга эришиш мумкин. Фақат бола билан дилдан суҳбатлашиш, қизиқишлари, орзу-мақсадларини билиш лозим. Агар унда касб танлаш бўйича иккиланишлар бўлса, сабабини топиш керак. Балки, у ўзи қизиққан соҳани ўрганиш учун қўрқаётгандир ёки ўзига ишонмаётган бўлиши ҳам мумкин.

Агар болангиз танлаган йўналиш сизга ёқмаса, асло тазйиқ ва пўписа йўлларини танламанг. Қизиқинг, у билан яқин муносабат ўрнатиб, суҳбатлашинг, хўш, у нега шу касбни танлади? Мажбурласангиз, барибир сиз айтган касбнинг устаси бўла олмайди. Боланинг истаклари ва ҳаётдаги мақсадлари биринчи ўринда бўлиши керак.

Инсон ёқтирмаган иши билан бутун ҳаёт давомида шуғулланса, ўзини бахтсиз ҳис қилади. Тўғри танланган касб, билим ва иштиёқ касбий фаолиятда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам муваффақиятлар эшигини очади.

***

Улуғ донишмандлардан бири “....келажак ташвиши билан яшасанг, фарзандларингга яхши билим бер, ўқит”, деб бежиз айтмаган.

Ҳақиқатан ҳам, бугун энг кучли давлат олимлари кўп, илм-фан ривожланган давлатдир. Таълимга йўналтирилган инвестиция кун келиб ўзини оқлаши аниқ. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Мактабда ўқувчи-ёшлар давлат таълим стандартлари асосида билим олиши баробарида замонавий касблар бўйича кўникмаларни ҳам эгаллаши, бунинг учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш бугуннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари сирасига киради.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**

ЖАҲОН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ



# Австрия: ҲУКУМАТНИ БАРИБИР ХАЛҚ ПАРТИЯСИ ШАКЛЛАНТИРАДИМИ?

**Австрияда жорий йил 29 сентябрь куни навбатдаги парламент сайлови бўлиб ўтди, мамлакат парламенти қуйи палатаси – Миллий кенгашнинг 183 нафар аъзоси сайланди.**

**Сайловда ультраўнглар – Австрия озодлик партияси сайловчиларнинг 29,2 фоиз овозини тўплаб, биринчи ўринни олганига қарамай, ҳукуматни тузадиган коалицияни шакллантириш жараёнида иштирок эта олмаяпти. Бошқа партияларга нисбатан энг кўп натижага эришиб, ҳукумат бошқарувини қўлга ололмаслик ҳолати парламент сайловларида камдан-кам учрайди.**

Ҳозирда Австриянинг консерватив халқ партияси (ÖVP), социал демократлар (SPÖ) ҳамда либераллар (NEOS) коалицияни шакллантириш юзасидан расман музокараларни бошлаб юборишган.

Озодлик партияси "Австрия қалъаси – ёпиқ чегаралар – хавфсизлик кафолати" шиори остида сайлов кампаниясини олиб борди.

55 ёшли Херберт Кикль бошчилигидаги ўта ўнглар сайловчиларга хавфсизлик, фаровонлик ва тинчликни тиклаш учун муҳожирларга эшикларни ёпган ҳолда, "Австрия қалъаси" қуришни ваъда қилган. Кампания давомида Кикль Халқ канцлери (Volkskanzler) бўлиши ҳақида ҳам гапирган. Бу ибора эса баъзи австрияликларга фашистлар Германиясини эслатиши ҳам мумкин. Шунингдек, у Украинанинг Европа Иттифоқига қўшилиши билан боғлиқ амбицияларига чек қўйишини, Европа қишлоқ хўжалигига таҳдидлар ҳақида гапириб, Киев билан музокараларни давом эттиришга тўсқинлик қилишга ваъда берганди. Санкциялар масаласида эса Австрия биринчи навбатда миллий манфаатларни кўзлаб иш тутиши лозимлигини таъкидлаган. Бу эса Венага Россия гази зарурлигини англатади.

Ўта ўнг Озодлик партиясининг ғалабаси Руминия учун ҳам қатор ноқулайликларни келтириб чиқаради. Чунки мазкур сиёсий куч Руминия ва Болгариянинг Шенген ҳудудига тўлиқ қўшилишига қарши бўлиш билан бирга, ҳатто Шенген ҳудудини бекор қилишни таклиф қилган. Озодлик партияси кутилган ғалабани қўлга киритгани нафақат Австриянинг ўзида, балки яқинда сайловлар бўлиб ўтадиган Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам хавотирларни уйғотмоқда.

Шундай қилиб, Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан бери ўта ўнг партия биринчи марта Австриядаги парламент сайловларида ғалаба қозонди. Бироқ коалицияни шакллантириш барибир мазкур партияга насиб этмаяпти.

**НИМАГА БУНДАЙ БЎЛЯПТИ?**

Биринчидан, партия мутлоқ кўпчиликка эга эмас. Киклнинг партияси 29,2 фоиз овоз олган бўлса, амалдаги федерал канцлер Карл Нехаммер етакчилигидаги Халқ партияси 26,5 фоизлик натижа билан иккинчи ўринни эгаллаган. Бу парламентдаги 183 та ўриндан 58 таси ультраўнгларга, 52 таси эса консерваторларга тегишини англатади.

Иккинчидан, сайлов натижалари юзасидан дастлабки тахминлар, яъни, ўта ўнглар партияси энг кўп овозга эга бўлиши эҳтимоли борлиги айтилгач, Карл Нехаммер Кикль билан биргаликда коалицияни шакллантириш имкони мустасно эканини эълон қилганди.

Мамлакат Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига қараганда, сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 74,9 фоиз одам қатнашган. Сайловолди кампаниясининг бош мавзулари миграция ва қочоқлар, шунингдек, инфляция ва Украинадаги уруш масалалари бўлган.

**ЕВРОПА УЧУН ХУЛОСАЛАР**

Австрия сиёсатида нима бўлаётгани ва бу Европа Иттифоқи учун нимани англатишини Австрия халқаро алоқалар институти директори Женгиз Гунайнинг The Parliament сайтига берган интервьюси орқали яхшироқ тушуниш мумкин.

Унга кўра, 2000 йилда ўта ўнглар биринчи марта коалицион ҳукуматга кирганида, вазият бошқача эди. Ўша пайтда Европадаги сиёсий манзара ўзгача бўлиб, Австрия кичикроқ мамлакат эди.

Бугун эса вазият бутунлай ўзгарган. Бутун Европа бўйлаб ҳукуматга ўта ўнг партиялар кўтарилмоқда. Улар Швециядаги озчилик ҳукуматини қўллаб-қувватламоқда. Нидерландияда ҳокимият тепасида. Францияда катта кучга айланди, ҳатто у ерда янги ҳукуматнинг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатди. Шарқий Германия штатларидаги биринчи сиёсий кучга айланди. Ўта ўнглар кўплаб Европа мамлакатларида сиёсий тузумнинг бир қисми бўлиб чиқмоқда.

Аммо муаммо шундаки, Австрия Озодлик партияси бироз радикаллашган. Ҳозирда ўнглар шунинг учун яккаланиб қолишган, бу уларнинг ҳокимиятда иштирок этишига ва ҳақиқий таъсир ўтказишига тўсқинлик қилмоқда. Улар ҳукуматга киришлари учун ўз позицияларини юмшатишлари керак эди.

Сайлов энергия жиҳатидан маълум туртки бериши мумкин, аммо ҳозирча ҳақиқий сиёсий ўзгаришларга олиб келмайди.

Аммо Европа даражасида қаралса, улкан ўзгаришлар бўлаётгани кўринади. Марказ партиялари, консерваторлар ва сўл марказ сафарбарлик қобилиятини минтақа бўйлаб йўқотаётгани аён бўлади. Европанинг ўзи ва бутун Европа лойиҳаси инқирозга учрагандек туюлмоқда. Агар либерал ва илғор, сўл ва мўътадил кучлар бирлашмаса, янги стратегиялар ишлаб чиқмаса, яқин келажакда ўта ўнглар ҳукмронлик даражасига чиқиши мумкин, дейди мутахассис.

**ПРЕЗИДЕНТ КИМГА ИШОНАДИ?**

Айрим таҳлилчилар Австриядаги сайлов натижалари аҳоли биринчи навбатда урушга чек қўйилишини, халқ ва ўз мамлакати манфаатлари нуқтаи назаридан сиёсат юритилишини, миграция сиёсати қатъийлаштирилишини истаётганини айтишади.

Австрияда Карл Нехаммер етакчилигидаги ҳукмрон Халқ партияси (ÖVP) 2019 йилдаги сайловга нисбатан сайловчиларнинг 11 фоиз овозини йўқотган бўлса-да, мамлакат Президенти Александр Ван дер Беллен коалицияни шакллантиришни айнан унинг етакчисига ишонишини маълум қилди.

“Яшиллар” ва либераллар билан иттифоқ бу борада қўл келади. Бундан ташқари, мазкур давлатда канцлерни тайинлашда Президент устунликка эга экани янада имкониятларни оширди. Европанинг бошқа мамлакатларида бўлгани сингари Австрияда ҳам ультра ўнгларга ҳокимият тепасига чиқиш имкони бўлмаяпти. Чамаси, ҳукуматни барибир Халқ партияси шакллантиради.

**Хуршидабону НАЗАРОВА,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**



# ХОРИЖДАН ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ КЎПАЙДИ

**Марказий банкнинг Жисмоний шахсларнинг валюта операциялари бўйича эълон қилган шарҳига кўра, 2024 йилнинг январь-октябрь ойлари давомида Ўзбекистонга келиб тушган пул ўтказмалари 12,6 миллиард долларни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 34 фоизга кўпайган. Бу маблағларнинг 78 фоизи Россиядан (9,8 миллиард доллар) келиб тушган бўлиб, 2023 йилнинг мазкур даврига нисбатан 35 фоизга ошган. Мазкур трансфертларнинг қолган қисми Қозоғистон (699 миллион доллар), АҚШ (470 миллион доллар), Жанубий Корея (458 миллион доллар), Туркия (331 миллион доллар), Буюк Британия (109 миллион доллар) ва бошқа мамлакатлардан ўтказилган.**

2024 йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистонга халқаро пул ўтказмалари ҳажмида кузатилган ўсиш тренди асосан меҳнат муҳожирларини қабул қилувчи асосий ҳамкор мамлакатларда иқтисодий фаоллик ва иш ҳақи миқдорининг ошиши ҳамда ривожланган мамлакатларга меҳнат миграцияси оқими кўламининг кўпайиши билан изоҳланади.

Интернет платформаларидаги маълумотларга кўра, Россияда меҳнат муҳожирлари фаолият юритадиган асосий соҳаларда таклиф қилинаётган иш ҳақи миқдори ўртача 38 фоизга ошган. Жумладан, иш ҳақи миқдори қурилиш соҳасида 55 фоиз, етказиб беришда 48 фоиз, такси ва ресторан хизматларида 46 фоиз ҳамда юк ташиш соҳасида 14 фоизгача кўпайган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон миграция агентлиги маълумотларига кўра, 2024 йил бошидан ишлаш истагида бўлган 113 минг нафардан зиёд фуқаро асосан ривожланган мамлакатларга расмий, хавфсиз ҳамда уюшган ҳолда ишга юборилган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,6 баробарга ортган. Мазкур ҳолат Ўзбекистонга хориждан жўнатилган халқаро пул ўтказмалари ҳажмида ҳам намоён бўлмоқда.

Хусусан, 2024 йилнинг январь-октябрь ойлари давомида келиб тушган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан АҚШдан 37 фоизга, Жанубий Кореядан 71 фоизга, Буюк Британиядан 76 фоизга ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларидан 41 фоизга ўсиш кузатилган. Шунингдек, жисмоний шахсларга келиб тушган маблағларнинг 7 миллиард доллари анъанавий халқаро пул ўтказма тизимлари орқали (2023 йилга нисбатан ўсиш 19 фоиз), 4,9 миллиард доллари хориждан жисмоний шахсларнинг банк карталарига тўғридан-тўғри (P2P) ўтказмалари орқали (ўсиш 52 фоиз) ҳамда 650 миллион доллари банк ўтказмаси (SWIFT) орқали (ўсиш 2,4 баробар) амалга оширилган.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида банклар ҳамда жисмоний шахслар ўртасидаги чет эл валютаси хариди ва сотуви бўйича операциялар айланмаси ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 19 фоизга (3,3 миллиард доллар) кўпайиб, 20,9 миллиард долларни ташкил этган.

Мазкур даврда жисмоний шахслар томонидан банкларга 13,2 миллиард доллар миқдоридаги ёки 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 32 фоизга кўп (2023 йилнинг мос даврида — 10 миллиард доллар) чет эл валютаси сотилган. Шу билан бирга, жисмоний шахслар томонидан харид қилинган чет эл валютаси ҳажми ўтган йилга нисбатан 2 фоизга ўсиб, 7,7 миллиард долларга етган (2023 йилнинг мос даврида – 7,6 млрд доллар).

Натижада жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган таклиф ҳажми талаб ҳажмидан 5,5 миллиард долларга кўп бўлган. Бу ўз навбатида, ички валюта бозорида қўшимча таклиф манбаи бўлиб хизмат қилмоқда, дейилади Марказий банк хабарида.

Маълумот учун, 2022 йил охирида Россиянинг пул ўтказмаларидаги улуши қарийб 87 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда у 78 фоизга камайган. Шу билан бирга, ўтган йил охирида Жаҳон банки Россиядан Ўзбекистонга пул ўтказмалари ҳажмининг босқичма-босқич қисқаришини қайд этган эди. Бу РФдаги ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари сонининг қисқариши, сўмнинг рублга нисбатан мустаҳкамланиши, шунингдек, Россияда инфляциянинг ўсиши билан изоҳланган.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА



# ҲОЗИРЧА 500 ТА СЕРТИФИКАТ

**Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томонидан “Тадбиркорликка ўқитиш лойиҳалари” мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда банк раҳбарияти ва таркибий тузилмаларнинг масъул ходимлари иштирок этди.**

Тадбирда кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан юртимизда банк соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилаётгани, айниқса, аҳолига таклиф этилаётган банк хизматлари қулайлиги ва ҳаммабопли, замон талабларига мослиги билан ҳар жиҳатда аҳамиятли эканлиги қайд этилди. Бу ўз-ўзидан банклар орасида соғлом рақобат муҳити юзага келишига замин яратаётганлиги ҳам таъкидланди.

– Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ташаббусларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг саводхонлигини ошириш бўйича хорижий тажрибаларни татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди банкнинг Бизнесни ривожлантириш департаменти директори ўринбосари Дилшод Умаров. – Хусусан, Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифида берилган топшириқлар бўйича тузилган йиғилиш баённомасида 2024 йилда вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш “менторлик” тизимини йўлга қўйиш ҳамда бу борада Япония тажрибаси жорий этилишини ташкил этиш вазифаси юклатилган эди.

Шу билан бирга Давлат раҳбарининг 2024 йил 7 сентябрдаги ПҚ-312 сонли қарорида халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб қилган потенциал ўсиш имкониятига эга бўлган тадбиркорлар фаолиятига кўмак бериш ва ҳамроҳлик қилиш бўйича менторлар ёки етакчи тадбиркорлар гуруҳини шакллантириш белгиланган. Бунда йил якунига қадар 24 та менторлар фаолиятини йўлга қўйиш назарда тутилган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида банк, жамғарма ҳамда Япониянинг Ямагата университети ўқув маркази ўртасида шартномалар тузилган. Режага кўра, шартнома 3 босқичда амалга оширилиши белгиланган. Шундан келиб чиқиб Ямагата университети профессорлари томонидан 17 турдаги видео материал, 16 та презентация ва 50 та саволдан таркиб топган тест саволлари ишлаб чиқилди. Ўқув курслари Япониянинг “u-hope” дастури асосида олиб борилди. Бунда Япониянинг Ямагата университетининг профессорлари томонидан тайёрланган 10 турдаги видеоролик шаклида дарслик ҳамда 6 та турдаги “кейс амалиёт”ларини ўз ичига олган.

Ўқув дастурларида муваффақиятли қатнашган тингловчилар орасидан 24 нафар ментор саралаб олинди. Сараланганлар дастлаб Ўзбекистонда, кейинги навбатда Ямагата университетида ўз малакасини ошириб, халқаро сертификатга эга бўлдилар.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Халқаро сертификат олган ҳар бир менторга камида 296 нафар тренер тайёрлаш мажбурияти юклатилди. Барча менторлар томонидан ўқув дастурлари ва ўқитиш режа графиклари ишлаб чиқилди ва марказлар томонидан тасдиқланди. Жорий йилнинг 18 ноябридан бошлаб барча ҳудудларда тренерларни ўқитиш жараёнлари бошлаб юборилди. Ўқув жараёнлари офлайн ва онлайн шаклда амалга оширилмоқда.

Маълумот учун, япониялик профессорлар ҳам республиканинг барча ҳудудларида тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиб, 150 нафар фаол тадбиркорлар билан ўқув курслари ташкил этилди. Ҳозирда ушбу ўқув дастурига тадбиркорлар томонидан қизиқиш ортиб бормоқда. Бугунги кунда дастурга 11 минг нафардан ортиқ тадбиркор қизиқиш билдирган. 2 минг нафардан ортиғи ўқув жараёнларида қатнашмоқда. 500 нафарга яқин тадбиркор эса сертификатга эга бўлиб улгурди.

**Тоштемир МУРОД.**

**MUASSIS:**

O‘zbekiston XDP Xalq demokratik partiyasi

**O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI**

O‘zbekiston Ovozi

**TAHRIR HAY’ATI:**

Ulug`bek INOYATOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Maqsuda VORISOVA, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihiddin MUHIDDINOV, Hayotxon ORTIQBOYEVA, Toshtemir XUDOYQULOV

**Bosh muharrir: To‘lqin TO‘RAXONOV**

**MANZILIMIZ:** 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

**Телефонлар:** (71) 239-12-14

**Реклама бўлими:** (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 1037. 3268 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O‘zA yakuni —
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.